

АЁЛЛАР ТОМОНИДАН СОДИР ЭТИЛАДИГАН ФИРИБГАРЛИК  
ЖИНОЯТИ ПРОФИЛАКТИКАСИНИНГ МУХИМ ЖИХАТЛАРИ

САИДОВА СИТОРА АЛИШЕРОВНА  
ИИВ Академияси Жиноятычиликка қарши  
курашни фаолияти факультети катта  
үқитувчи-методисти

**Аннотация:** Ўзбекистон Республикаси янги Конституциясининг 66-моддасида “Мулкдор ўзига тегишли бўлган мол-мулкка ўз хоҳишича эгалик қилади, ундан фойдаланади ва уни тасарруф этади.

**Калит сўзлар:** Мол-мулқ, ҳуқуқни муҳофаза этувчи органлар, фирибгарлик, шартшароитлар, жиноят турлари.

Мол-мулқдан фойдаланиш атроф-мухитга заарар етказмаслиги, бошқа шахсларнинг, жамият ва давлатнинг ҳуқуқларини ҳамда қонуний манфаатларини бузмаслиги керак”лиги<sup>1</sup> белгиланган бўлиб, ўз ўрнида бу мулкни ҳимоя этишни таъминлаш эса ҳуқуқни муҳофаза этувчи органларнинг профилактика фаолиятидаги долзарб масала ҳисобланади. Шунингдек, судлар томонидан одилик принципининг таъминланиши назарда тутувчи ҳуқуқий асослардан бири бўлган Ўзбекистон Республикаси Олий Судиplenуми қарорида “Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқ барча мулк шаклларининг тенг ҳуқуқлилиги ва ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоя қилиниши таъминланади ҳамда унга нисбатан ҳар қандай тажовуз қонун билан таъқиб этилади”<sup>2</sup>деб ёзилганлиги мулкка бўлган ҳуқуқларининг кафолатланганлигидан далолат беради. Шунинг учун мулкий ҳуқуқни амалга оширишга ҳар қандай ноқонуний араласиши ушбу ҳуқуқни жиддий бузиш деб ҳисобланади.

Шу ўринда таъкидлашимиз лозимки, Ўзбекистонда фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, хусусан, аёллар ҳуқуқини таъминлаш давлат сиёсати даражасидаги устувор вазифалардан бири сифатида белгиланди. Охирги қисқа даврда мамлакатимизда аёллар ҳуқуқларини таъминлашда улкан муваффакиятларга эришилмоқда ва бу дунё ҳамжамияти томонидан муносаб баҳоланмоқда. Нозик хилқат дея эътироф этилиб, улуғланиб келган айрим аёллар томонидан содир этилаётган жиноий фаолиятнинг ўсиши одамни ўйлантиради, айниқса, бу фаолиятнинг иқтисодиёт соҳасида ортиб бориши ачинарли ҳолат. Аёллар томонидан камдан-кам ҳолларда босқинчилик ва талончиликка жиноятлари содир этилади. Улар ўғрилик, фирибгарлик, ўзлаштириш ва растрата жиноятларини кўпроқ содир этса, эркаклар эса ўғрилик, босқинчилик ва талончилик жиноятларини кўпроқ содир этади.

Муаммонинг жиддийлиги шундаки, риволаниб бораётган мамлакатимизда сўнгги йилларда аёллар жиноятчилигининг кескин камайишига катта эътибор қаратилаётган бир пайтда, аёллар томонидан содир этилган фирибгарлик жиноятларининг салмоғи юкорилиги бўйича

1 Ўзбекистон Республикаси Конституцияси- <https://lex.uz/docs/6445145#6445659> (мурожаат вақти 13.11.2024-йил)

2 Ўзбекистон Республикаси Олий Судиplenуми қарори-<https://lex.uz/ru/docs/6523582?ONDATE=23.06.2023> (мурожаат вақти 13.11.2024)

сақланиб қолинмоқда. Шу боисдан барча давлат органлари ва жамоатчилик ташкилотларининг асосий васифаларидан бири ҳисобланган жиноятчилик, хусусан аёллар томонидан фирибгарлик жиноятининг содир этилиш сабаблари ҳамда уларга имкон берган шарт-шароитларни аниқлаган ҳолда уларни барвақт олдини олиш борасида ҳамкорликдаги ишларни амалга оширишни тақозо этмоқда.

Биз томонимиздан кўриб чиқилаётган аёллар томонидан содир этилган фирибгарлик жиноятларини фош килиш, процессуал ва тергов ҳаракатларини ўтказиш ўзига хос хусусиятларга эга. Суд-тергов амалиётида кузатилишича, жиноят содир этган аёллар ўғрилик, фирибгарлик, товламачилик, қасдан одам ўлдириш, талончилик ва босқинчилик жиноятларини чукур ўйлаб, пухта режалаштирган ҳолда содир этишади.

Шунингдек, бундай жиноятларни фош этиш ва тергов қилишнинг мураккаб жиҳатларидан яна бири жиноят содир этиш жараённида ва терговга қадар текширув, суриштирув ва дастлабки тергов босқичларида аёл шахсининг ўзига хос психофизиологик хусусиятлари, ҳолатлари билан боғлиқдир. Жиноят содир этиш сабаларининг асосий сабабаларидан бири аёлларнинг оиласи турмушдаги моддий ёки маънавий қийинчиликларга дуч келишлари ҳамда уларнинг мазкур муаммоларга қонуний ечимнинг мавжуд эмасдек кўриниши, ўзлари томонидан қайсиdir маънода жавобгарлик белгиланиши ёхуд моддий қийинчиликларни ечими сифатида жиноий фаолиятнинг осон усулларидан фойдаланишларида кузатилади.

Янги Ўзбекистонда жиноят турларининг сифат ва миқдорий хусусиятларида ўзгаришлар рўй бериб келмоқда, шунингдек жиноят содир этган шахсларнинг демографик ҳолатларига ҳам эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ бўлади. Хусусан, 2023 йил давомида жиноят ишлари бўйича судлар томонидан 73797 нафар шахсга нисбатан 58418 та жиноят иши кўриб чиқилди, 1244 нафар шахс оқланиб, реабилитация қилинди. Қайд қилинишича, судланган шахслар сони 55763 нафарни ташкил этиб, шундан 17396 нафар шахсга озодликдан маҳрум қилиш ва 37077 нафари бошка турдаги жазолар тайинланган, 1290 нафар шахсга шартли ҳукм қўлланилган. Судланган шахсларнинг 49297 нафари эркак, 6466 нафари аёл, 20922 нафари ёшлар, (шу жумладан 1911 нафари вояга етмаган) ва 2123 нафари 60 ёшдан ошган шахслар ҳисобланади .3.

Республикамида фирибгарлик жиноятларининг айниқса аёллар томонидан содир этилиши йилдан-йилга ортиб бораётганини кузатиш мумкин, жумладан: Фирибгарлик жиноятини статистик таҳлилига кўра, дунёда 2020-2021- йилларда фирибгарлик жиноятининг 27.3 фоизини<sup>4</sup> аёллар улушига тўғри келганлиги, Республика бўйича эса 2020 йилда жами содир этилган жами фирибгарлик жиноятларининг 16.8 фоизини аёллар томонидан содир этилганлиги жуда ачинарли ҳолат<sup>5</sup>.

Бундан келиб чиқадики, юқорида келтирилган маълумотлар аёллар жиноятчилиги нафақат мамлакатимизда, балки бутун дунёда долзарб муаммо сифатида талқин этилаётгани ва

3 <https://kun.uz/news/2024/01/25/2023-yilda-firibgarlik-jinoyati-eng-kop-sodir-etildi-oliy-sud> (мурожаат вақти 13.11.2024-йил)

4 <https://www.statista.com/statistics/461354/distribution-of-perpetrators-of-fraud-cases-by-gender/> (мурожаат вақти 13.11.2024-йил)

5 <https://siat.stat.uz/reports-filed/2927/table-data> (мурожаат вақти 13.11.2024-йил)

ушбу жиноятларнинг олдини олиш, унга қарши курашиш борасида тегишли чоратадбирларни амалга ошириш зарурлигидан далолат беради.

Хозирги кунда фирибгарлик жиноятлари содир этишнинг йилдан-йилга сони қўпайиб бораётганлиги ва уни содир этилиш усулларининг янгидан – янги шакллари қўлланилаётганлиги, фирибгарлик жиноятларининг бугунги замонавий қиёфаси ҳамда содир этилиш усулларидан келиб чиқиб ушбу жиноятга қарши курашиш долзарб масала эканлигини кўрсатмоқда. Шунга асосан аёллар томонидан содир этиладиган фирибгарлик жиноятларининг содир этиш сабаб ва шарт-шароитларини илмий-назарий жиҳатдан чуқур ўрганиш зарурати мавжуд. Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 14 майдаги “Хуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги қонуннинг қабул қилиниши ушбу турдаги жиноятларни профилактикасини таъминлаш учун имкон яратмоқда.

Назаримизда, ўрганилган расмий статистик маълумотлар реал вазиятни ўзида акс эттирмайди, чунки аёл фирибгарлардан жабр кўрган фуқароларимиз алданганларига қарамай, хуқуқни муҳофаза қилувчи органларга хабар бермайди, сабаби эса андиша, оқибатда жиноятни ўз вақтида фош этилишига салбий таъсир кўрсатади.

Бундан шундай хulosага келишимиз мумкинки, ички ишлар идораларининг асосий вазифаларидан бири бўлиб аёллар фирибгарлиги жиноятларини барвақт олдини олиш профилактикасини такомиллаштириш, уларни фош этиш ва жиноят содир этган аёлларни жавобгарликка тортилишини таъминлаш, етказилган заарни ўз вақтида бартараф этиш ҳамда аёлларни ушбу турдаги жиноятларни қайта содир этмаслик чораларини кўриши ҳисобланади.

Фирибгарлик жиноятларини содир этувчи шахс ёки жиноий гурух аъзоларининг жиноий фаолиятлари ўта яширин режа асосида содир этилади. Жиноий гурух аъзоларининг ўзаро аниқ белгиланган ҳолда амалга оширилади. Бундан шундай хulosага келишимиз мумкинки, аёллар томонидан содир этиладиган фирибгарлик жиноятларини олдини олиш масаласини ички ишлар органларининг асосий вазифалари қаторида эътибор қаратиш, унга нисбатан муросасизлик, барвақт олдини олиш, профилактикасини такомиллаштириш, уларни фош этиш ва жиноят содир этган аёлларни жавобгарликка тортилишини таъминлаш, етказилган заарни ўз вақтида бартараф этиш чораларини кўриш, ушбу турдаги жиноятларни содир этган аёлларни қайта жиноят содир этмаслик чораларини кўриши асосий вазифалардан бири ҳисобланади.

Ўтказилган тадқиқотлар натижасини шуни кўрсатмоқда-ки, аёллар томонидан содир этилган фирибгарликнинг олдини олиш бўйича ўтказилган тадбирлар жуда самарали бўлади, агар улар мустаҳкам илмий асосга асосланган бўлса, минимал даражага эришиш мумкин. Бирок, бундай пойdevor махсус талаблар ва шартларга жавоб бериши керак. Бу борада бир қанча олимлар ўзларининг фикр мулоҳазаларини билдириб ўтганлар. Ўзбекистон олими Р.С.Алтиев айтганидек биринчи навбатда ижтимоий ҳаётда фуқаролар энг кўп фирибгарлик қурбони бўлаётган соҳаларни ажратиб олиш зарурлигини қайд этган ва қуйидаги турларга ажратган:

- банк соҳасидаги фирибгарлик;
- маший соҳадаги фирибгарлик;
- давлат ҳаридлари соҳасидаги фирибгарлик;
- суғурта соҳасидаги фирибгарлик;
- юқори технологиялар соҳасидаги фирибгарлик (интернет соҳасидаги фирибгарлик, мобил алоқалар соҳасидаги фирибгарлик ва бошқалар).6

6 Р.С.Алтиев.—Фирибгарликнинг жиноят хуқуқий ва криминолог жиҳатлари-2020 йил автореферат. 19-Б.

Юқоридаги маълумотлардан маълумки, ушбу соҳаларни фаолиятини фирибгарлардан юқори даражада профилактика қилиниши зарур деб ҳисоблаймиз.

Ижтиомий тармоқларда бериб борилатган маълумотлардан ҳам кўриш мумкинки, бугунги кунда фирибгарликнинг қуидаги турлари кенг тарқалмоқда:

1. Сохта банк қоғозларидан фойдаланган ҳолда кредит олиши ва имтиёзли кредитлар олиши.
2. Омонатчилар ва инвесторлардан юқори фоизлар, дивиденdlар тўлаши ёки бошқа ваъдаларни бажарини мажбурияти остида капитални олиши.
3. Катта фойда ваъдаси остида инвесторлардан (жисмоний ва юридик шахслардан) пул маблағларини жалб қилиши ва кейинчалик ўғирлаш. Шу муносабат билан, фирибгарлар барча турдаги қимматли қоғозларни, шу жумладан халқаро қимматли қоғозларни сотадилар. Баъзан кўпроқ инвесторларни жалб қилиши учун улар тўловларни амалга оширишини бошлайдилар, лекин кутимагандан улар тўхтатилади ва ўша пайтда олинган молиявий ресурслар (пул, валюта, қимматли қоғ'озлар) ўзлаштирилади;
4. Сохта ҳужжатлар ёрдамида барча турдаги кредитлар олиши. Жисмоний шахсларга бериладиган максимал кредит микдори, қоида тариқасида, 50 миллион сўмдан ошмаганлиги сабабли, фирибгарлар пул олиш учун катта микдордаги маблағлар юридик шахслар тақдим этиши керак бўлган жуда катта ҳажмдаги ҳужжатлар тўпламини (таясис ҳужжатлари, шу жумладан уларга ўзгартиришлар; молиявий ҳисботлар; молия-хўжалик фаолиятини тавсифловчи ҳужжатлар; ҳуқуқни тасдиқловчи ҳужжатлар, шунингдек балансда мол-мулк мавжудлигини тасдиқловчи ҳужжатлар) қалбакилаштириш. корхона варақаси ва бошқ.) қўлга киртиш;
5. Интернет орқали фирибгарлик содир этиши (Телеграм ижтиомий тармоғида қўшимча афзалликлар таклифи билан чиқиб телеграм ижтиомий тармоғи орқали банк карталардан пулларни ечиб олиш усули).
6. Ўқишига киритиб қўйиш;
7. Уй-жой ва автомашина сотиб олиши ёки сотии ва бошқа.

Иzlaniшларимиз давомида аёл фирибгарларни қуидаги бир неча тоифаларга бўлишни лозим топдик:

*Биринчи тоифа*, аёл фирибгарларнинг хатти-ҳаракати турмуш тарзи ноконуний ишлар билан шуғулланиш каби жиноий элементлар мавжуд бўлади. Уларда фойдали иш қилмаслик ноконуний бойлик орттириш ҳисси юқори бўлади. Уларни яшаш манбай меҳнатсиз даромад орттириш ҳисобланади;

*иккинчи тоифа*, фирибгар аёллар фирибгарликдан ташқари бошқа турдаги жиноятларни содир этади. Бу кўпинча ўғирлик жиноятларига таалуқлидир;

*учинчи тоифа*, фирибгар аёллар юқори малакага эга бўлишади. Жиноятни улдабуронлик билан олдиндан пухта ўйланган режа асосида амалга оширади;

*тўртинчи тоифа*, кутимагандан пайдо бўлиб сайёр фирибгарлик жиноятини содир этадиган (лўли) аёллар тоифаси.

Хозирги вақтда жамиятимизда ижтиомий-иқтисодий, сиёсий, мафкуравий, маънавий-ахлоқий шароитларнинг ўзгариб бориши муносабати билан биринчи гуруҳ субъектлари амалда фаол эмас, шунинг учун профилактика ишларининг асосий юки ички ишлар органлари зиммасига юклатилган.

Хусусан, ички ишлар органлари фаолиятининг хотин-қизлар томонидан содир этиладиган фирибгарликнинг олдини олиш борасидаги вазифалари алоҳида эътиборга лойиқ бўлиб, бу кўриб чиқилаётган худуддаги ички ишлар органлари фаолиятининг асосий йўналишларини белгилашда ва бунинг натижасида индивидуал фирибгар аёлларнинг кўпайишини олдини олиш муҳим ҳисобланади. Шубҳасиз, аёллар фирибгарлигини олдини олишда ички ишлар

органлари хотин қизлар масалалари бўйича профилактика инспекторларининг хизмати катта бўлади.

Хулоса ўрнида аёллар томонидан содир этиладиган фирибгарлик жиноятларини профилактикасини амалга оширининг назарий ҳуқуқий ва амалий жиҳатларини комплекс ўрганиш ва таҳлил қилиш асносида керакли натижаларга эришиш учун қуидаги ишларни амалга ошириш лозим:

- 1) ноконуний хатти-ҳаракатларга салбий муносабатни шакллантириш, шу жумладан, аёлларнинг жиноий фаолиятнинг салбий оқибатлари ва ғарзли жиноий ҳаракатлар учун жиноий жавобгарлик тўғрисида хабардорлик даражасини ошириш, оммавий ахборот воситаларида ваколатли ахборот сиёсатини олиб бориш;
- 2) фирибгарлик жиноятини содир этишга мойил бўлган аёллар билан профилактика тадбирларини ташкил этиш ва ўтказиш;
- 3) уюшган (мехнат ва тарбия) аёллар гурӯхларида профилактика ишларини ташкил этиш;
- 4) ҳар бир аёлнинг ўз хатти-ҳаракати учун шахсий жавобгарликни шакллантириш;
- 5) хотин-қизлар масалалари билан шуғулланувчи жамоат бирлашмалари ва ташкилотларини шакллантириш, ривожлантиришни рағбатлантириш ва фаолиятини давлат томонидан кўллаб-куватлаш.

Юқорида қайд этилган омилларнинг келажакда эътиборга олиниши аёллар томонидан содир этиладиган фирибгарлик жиноятларига қарши курашиш самарадорлигини оширишда ўзининг ижобий самарасини беради.

### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси [https://lex.uz/docs/-6445145-\(мурожаат вақти 13.11.2024-йил\)](https://lex.uz/docs/-6445145-(мурожаат вақти 13.11.2024-йил))
2. Ўзбекистон Республикаси Олий Суди пленуми қарори-[https://lex.uz/tu/docs/6523582?ONDATE=23.06.2023-\(мурожаат вақти- 13.11.2024-йил\)](https://lex.uz/tu/docs/6523582?ONDATE=23.06.2023-(мурожаат вақти- 13.11.2024-йил))
3. Р.С.Алтиев.- Фирибгарликнинг жиноят ҳуқуқий ва криминолог жиҳатлари-2020 йил автореферат. 19-Б. (мурожаат вақти 23.07.2024-йил).
4. Статистик маълумот- <https://siat.stat.uz/reports-filed/2927/table-data-> (мурожаат вақти 23.07.2024-йил).